

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛЯКОВ ХАСАН АЗИЗОВИЧ

**ЧАНОҚ ВА СОН СУЯКЛАРИ ҚЎШМА ЖАРОҲАТ ОЛГАН
БЕМОРЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШНИНГ ЖАРРОҲЛИК
ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Тияков Хасан Азизович

Чаноқ ва сон суяклари қўшма жароҳат олган беморларга ёрдам
беришнинг жарроҳлик жиҳатларини такомиллаштириш..... 3

Тияков Хасан Азизович

Совершенствование хирургических аспектов при оказании помощи
пострадавшим с сочетанными повреждениями таза и бедренной кости..... 21

Tilyakov Khasan Azizovich

Improvement of surgical aspects in providing help for sufficient
with combined pelvic and femoral bone damages..... 39

Эълонқилинганишларрўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛЯКОВ ХАСАН АЗИЗОВИЧ

**ЧАНОҚ ВА СОН СУЯКЛАРИ ҚЎШМА ЖАРОҲАТ ОЛГАН
БЕМОРЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШНИНГ ЖАРРОҲЛИК
ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1264 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzniito.uz), «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) ва Миллий ахборот агентлиги порталида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Валиев Эркин Юлдашевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Каримов Муродулла Юлдашевич
тиббиёт фанлари доктори

Мусаев Тохир Сидикович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Махтумқули кўчаси, 80-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Махтумқули кўчаси, 80-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э. Ирисметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.П. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг(PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, шикастланишнинг техноген омиллари интенсивлигининг ошиши туфайли кўшма шикастланишларга олиб келадиган политравмаларнинг улуши доимий равишда ошиб бормоқда. Борган сари ушбу жароҳатлар кўшма шикастланишлар характериға эға бўлиб қолмоқда. Жароҳатлар хирургиясининг сезиларли ютуқларига қарамай, политравма бўлган беморларда ногиронлик ва ўлим даражаси, «...уларнинг катта қисми чаноқ суяклари ва узун суякларнинг синиши 3,8дан 45,3%гача...»¹ тўғри келиб, шок, тромбоземболия, пневмония ва нейротрофик асоратлар тез-тез кузатилмоқда. Ушбу жароҳлик амалиёти самарасини яхшилаш зарурияти ва ушбу муаммонинг долзарблигини тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда дунёда чаноқ ва сон суякларининг кўшма шикастланишларини ташхислаш ва даволаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада чаноқ суяги ва сон суягининг кўшма шикастланишлари билан организмдаги метаболик бузилишларнинг умумий ривожланишида комплекс диагностика, эрта аниқлаш, асоратларни олдини олиш ва даволаш сифатини оширишга асосий эътибор қаратилган. Кегайли қурилмалар орқали ташқи ва ички остеосинтез усуллари ишлаб чиқилмоқда; суяк трансплантати ёрдамида жароҳлик усуллари; чаноқ ҳалқасининг олд ва орқа қисмларини комбинацияланган остеосинтез усуллари такомиллаштирилмоқда; суяк остеосинтезининг минимал инвазив тежамкор усуллари; блокланган интрамедуляр гамма штифтларидан фойдаланиш; сакроилиак бўғимларнинг шикастланишлари учун жароҳлик усулида даволашнинг транспедикуляр тизими қўлланилмоқда. Сўнгги йилларда каминвазив жароҳлик усуллари кенгайиши ва янги ахборотларга асосланган юқори технологияли диагностика даволашнинг самарадорлиги ҳамда тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифати тўғрисида операцияларни амалга оширишнинг мураккаблик даражасининг таъсири масаласига тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Беморларда чаноқ ва сон суяклари кўшмашикастланишларини аниқлашда янада самарали, каминвазив усуллар ёрдамида ташхислаш ва хирургик даволашга оид такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиш, ушбу оғир тоифадаги жабрланувчиларни даволаш натижаларини яхшилаш зарурияти борлигини тасдиқлайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими, хусусан, шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар нуқтаи назаридан, шошилишч тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган «...тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, шу жумладан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги

¹Queipo-de-Llano A, Lombardo-Torre M, Leiva-Gea A, et al. Anterior pre-tensioned external fixator for pelvic fractures and dislocations. Initial clinical series. // Orthop Traumatol Surg Res. 2018 Dec;102(8):1103-1108;

босқичга кўтариш...»² каби вазифалари белгиланган. Уш бу вазифаларни амалга оширишда янада чуқурак аниқлаш ҳамда такомиллаштириш ва мохиятиникенгайтириш муҳим аҳамият касб этамоқда. Оёқ-қўллар узун суяклари жароҳатларида шок ва леталлик ҳамда чанок-сон суякларининг кўшма жароҳатлари туфайли ногиронлик даражасини пасайтиришда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, диагностика ва даволашда замонавий технологиялардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-4985-сон «2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида», 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чанок ва сон суякларининг кўшма шикастланишларида асосий муаммони назорат қилиш жуда қийин бўлган ностабил гемодинамика ва қорин бўшлиғида массив қон кетиш, плевра ва чанок аъзоларидан қон кетиши фонида травматик шок ҳолатлари ҳисобланади (Petrone P., Rodriguez-Perdomo M., Perez-Jimenez A., Ali F., 2019; Загородний Н.В., Колесник А.И., Лазарев А.Ф., 2020). Чанок ва сон суякларининг гемодинамик жиҳатдан ностабил шикастланишлари мураккаб юқори энергияли шикастланишлардир. Кўпгина ҳолларда, оғир жароҳати бўлган бу беморларда кўшимча жароҳатлар мавжуд бўлиб, улар ҳам травматологининг эътиборини талаб қилади (Чегуров О.К., Менщиков И.Н., 2018; Mikdad S., van Erp I.A.M., El Moheb M., Fawley J., Saillant N., King D.R., 2020; Do W.S., Forte D.M., Sheldon R.R., Weiss J.B., 2019). Бироқ, бу беморлар кўпинча оғир ҳолатда бўлиб, бир неча дақиқада ўрнатилиши керак бўлган мултидисциплинар ёндашувга муҳтож. Бу эса далилларга асосланган даволаш алгоритмини талаб қилади. Шу муносабат билан, ностабил чанок суяклари синишларини даволаш биринчи навбатда гемодинамик жиҳатдан эҳтиёткорлик билан реанимация қилиш, механик стабилизация керак деб ҳисобланади (Jarvis S., Kelly M., Mains C., Corrigan C., Patel N., Carrick M., 2019; Mi M., Kanakaris N.K., Wu X., et al., 2016).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4007-сон «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида» ги Қарори

Муаллифларнинг фикрича, чанок ва оёқ-қўл суяклари синиши билан оғриган беморларни даволашда муҳим масала гемодинамикаси ностабил бўлмаган беморларда синишларни эрта барқарорлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳисобланади (Valiev E., Muminov Sh., Ismailov A., Mirdjalilov F., Karimov B., 2021). Муаллифлар жароҳатдан кейинги соатларда жарроҳлик усулида даволашни тавсия қиладилар. Чанок суяги ва оёқ-қўл суяклари синишларини жарроҳлик йўли билан даволашда кенг тарқалган ташқи фиксатор қурилмалари билан маҳкамлаш интрамедуллар остеосинтез усули (Дурсунов А.М., Саидиахматхонов С.С., Раҳимов А.М., Каримов Х.М., Қобилов Р.К., Хошимов Р.А., 2018) нисбатан соддалиги ва минимал травма етказиши билан ажралиб туради. Адабиёт маълумотларини ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келишимиз мумкинки, қўшимча шикастланишда чанок ва сон суяklarининг шикастланиши диагностикаси ва даволаш сифати сезиларли даражада яхшиланган (Мусаев Т.С., 2013; Хажибоев А.М., Тияков А.Б., Валиев Э.Ю., 2017).

Ҳозирги вақтда дунёда қўшма травмада қўл-оёқ жароҳатларининг диагностикаси ва даволашини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда, жумладан, қўшимча жароҳати бўлган беморларга шошилишч тиббий ёрдам кўрсатишда минимал инвазив жарроҳлик аралашувларни оптималлаштириш; шок билан боғлиқ жароҳатлари бўлган беморларга жарроҳлик ёрдами кетма-кетлиги ва ҳажмини яхшилаш (Борозда И.В., Борозда М.И., 2021; Rommens P.M., Nolte E.M., Hopf J., Wagner D., Hofmann A., Hessmann M., 2020; Berger-Groch J., Lueers M., Rueger J.M., 2020); турли тиббий ёндашувлар орқали тез тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш; тез тиббий ёрдамнинг турли босқичларида эрта ва сифатли тиббий ёрдамни такомиллаштириш (Stahel P.F., Burlew C.C., Moore E.E., 2017; Lee M.A., Yu B., Lee J., Park J.J., Lee G.J., Choi K.K., 2019); ёғли ва тромбоземболик ва юқумли асоратларнинг патогенетик механизмида жарроҳлик аралашувларни эрта прогнозлаш, ташҳислаш ва такомиллаштириш орқали асоратларни камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, чанок ва сон суяклари синганлигини аниқлашнинг янада самарали, хавфсиз ва арзон усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, жарроҳлик аралашувлар вақтини аниқлаш, шунингдек, даволаш ва диагностика босқичларини оптималлаштириш даволаш натижаларини яхшилаш учун муҳим ҳисобланади (Bruns B.R., Morris D.S., Zielinski M., 2016; Lindsay A., Tornetta P., 2016; Kim E.M., Luke P.H., 2020).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий марказининг АДСС 4.3 «Чанок суягининг комбинацияланган шикастланишлари ва сон суяги синишларини комплекс диагностика ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» илмий-тадқиқот режаси ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий тадқиқотлари режалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади чанок ва сон суяклари қўшма шикастланиши билан бўлган беморларда жароҳат ва беморнинг умумий ҳолатининг оғирлик

даражасини ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чаноқ ва сон суяклари қўшма шикастланишларининг тузилиши ва статистикаси, даволаш натижасига таъсир қилувчи сабаблар ва омилларни таҳлил қилиш;

жабрланувчиларни эрта госпитал босқичида - жароҳатнинг оғирлиги ва аҳволининг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўламининг, вақти ва усулларига қараб даволаш тактикасини ишлаб чиқиш;

чаноқ ва сон суяклари қўшма шикастланишларида тиббий ёрдам кўрсатишнинг дастлабки босқичида минимал инвазив остеосинтезни амалга ошириш учун такомиллаштирилган ташқи фиксацион қурилма ишлаб чиқиш;

даволашнинг турли босқичларида чаноқ ва сон суяги қўшма жароҳатлари билан бўлган жабрланувчиларга ёрдам бериш учун тиббий ва диагностика алгоритмининг ишлаб чиқиш;

чаноқ суяги ва сон суягининг қўшма жароҳатлари билан жабрланганларга ёрдам кўрсатишда анъанавий ва тавсия этилган даволаш тактикасининг эрта ва узоқ муддатли натижаларини қиёсий баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг Самарқанд филиалида 2016-2021 йилларда чаноқ ва сон суякларининг қўшма шикастланишлари билан даволанаётган 130 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети Жароҳатнинг оғирлик даражасини баҳолаш тизими, стерженли ташқи фиксация қурилмалари, каминвазив остеосинтез усулларида фойдаланган ҳолда бажарилган дифференциялшган даволаш-диагностик тактикаси натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари клиник, инструментал (рентгенологик, мультиспирал компьютер томографияси, ультратовуш, лаборатория) ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чаноқ ва сон суяклари қўшма шикастланишлари, ҳамда уларнинг алоҳида синишларининг тузилиши ва частотасини баҳолаш орқали амалга ошириладиган асосий тактик ва техник жиҳатлари аниқланган;

анъанавий клиник ва диагностика стандартлари асосида, чаноқ ва сон суякларининг қўшма шикастланишларини даволашдаги қониқарсиз натижаларнинг ривожланиш белгилари аниқланган, шунга биноан сегментар жароҳатларнинг тури ва характерини ҳисобга олган ҳолда жабрланганларнинг динамикадаги ахволи ва кутиладиган натижаларда тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

чаноқ ва сон суякларининг қўшма шикастланишларини эрта даврида барқарор функционал миниинвазив остеосинтези учун ташқи фиксация қурилмаси такомиллаштирилган, шунингдек жарроҳлик амалиётига кўрсатмаларни кенгайтириш имкониятлари исботланган;

такомиллаштирилган ташқи фиксацияловчи стерженли қурилма комплекцияси техник афзалликлари исботланган, унинг чаноқ ва сон

суяклари синишларида алоҳида қўлланиладиган вариантлари ёрдамида шокка қарши шошинч муолажаларнинг самарали стабилизацияси ва суяк бўлақларини яқуний репозиция қилиш имкониятлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: қўйидагилардан иборат чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишларида такомиллаштирилган диагностик мезонлари комплексидан фойдаланилган ҳолда жароҳатлар характерини баҳолаш, сифатини ошириш ва оптимал равишда даволаш тактикаси исботланган;

чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишларида ташқи ва ички остеосинтезнинг миниинвазив усулларини қўллашга асосланган даволаш тактикаси беморларда асоратларнинг келиб чиқиши ва частотасига таъсир қилувчи асосий омиллари аниқланган;

чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишларини даволашда, чаноқ суяғи синишларининг нафақат олд қисми, балки чаноқ ҳалқасининг ён ва орқа қисмларида барқарор фиксацияга эришишга, ҳамда, бир вақтнинг ўзида суяк синиқлари репозиция усулини амалга оширишга имкон берувчи махсус ташқи фиксацион қурилмаси ишлаб чиқилган;

чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишлари учун жарроҳлик усулида даволашнинг кетма-кетлиги ва тактик алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб ушбу тоифадаги беморларда яхши ва қониқарли натижаларга эришиш имконияти исботланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Клиник текширувлар натижаларининг ҳаққонийлиги, беморлар сонининг етарлилиги, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, нурли (рентгенологик ва МСКТ), ультратовушли текширув натижалари ва статистик таҳлил қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишларида ташқи фиксацияловчи стерженли қурилманинг такомиллаштирилиши ҳамда барқарор функционал миниинвазив остеосинтезни амалга оширишга имкон берувчи, даволаш тактикасини танлаш ва кейинги турли асоратларнинг ривожланиш эҳтимолини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишларини самарали ташхислаш ва даволашнинг эрта даврида тактик жиҳатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, бунинг натижасида операциядан кейинги асоратларини сезиларли даражада камайтириш, ўз навбатида ногиронлик ва стационарда даволашнинг умумий давомийлигини қисқариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишларида беморларга ёрдам кўрсатишнинг жарроҳлик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишларида даволаш учун ишлаб чиқилган «Чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишларда даволашда қўлланиладиган қурилма»га Россия Федерациясининг

Интеллектуал мулк агентлиги патенти олинган (патент IAP 2749897 18.06.2020). Олинган натижалар беморларни жарроҳлик даволаш тактикасини такомиллаштириш, касалхонага ётқизиш муддатини ва операциядан кейинги реабилитация даврини қисқартириш, беморларни минимал иқтисодий ҳаражатлар билан даволаш имкониятини таъминлаш имконини берган;

чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишларини диагностикаси ва даволаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида «Чаноқ суяги ва сон суягининг қўшма жароҳатлари билан жабрланганларни даволаш методикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 31 августдаги 8н-з/288-сон маълумотномаси). Олинган натижалар чаноқ суяги ва сон суяқлари жароҳати билан оғриган беморларни диагностикаси ва реабилитацияси сифатини яхшилаш имконини берган;

чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишларини диагностикаси ва даволаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида «Чаноқ ва сон суягининг қўшма жароҳатлари билан жабрланганларга аҳволининг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда ёрдам кўрсатиш тактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 августдаги 8н-з/288-сон маълумотномаси). Олинган натижалар жароҳатнинг оғирлиги ва бемор аҳволининг оғирлигига қараб чаноқ ва сон суяқлари жароҳатларини даволашда тактик ва техник жиҳатларни яхшилаш имконини берди.

Чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишларини диагностикаси ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, жумладан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиаллари амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 2 декабрдаги 08-09/18979-сон хулосаси). Олинган натижалар чаноқ ва сон суяқларининг қўшма шикастланишларини ташҳислаш ва даволашнинг замонавий самарадор усулларини такомиллаштиришга ҳамда узоқ муддатли функционал натижаларнинг 66,1% дан 92,6% гача яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертатсия мавзуси бўйича 14 та илмий ишлар чоп этилган, шундан 6 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва унинг мохияти асосланиб келтирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети, тадқиқотнинг устуворликка мувофиқлиги кўрсатилиб ўтилган. Республика фан ва техникани ривожлантириш йўналишлари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисида маълумотлар берилган; диссертация мавзуси ва унинг тузилишига оид нашрлар кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Чанок ва сон суягининг қўшма шикастланишларида жарроҳлик усулида даволаш тактикаси (Адабиётлар таҳлили)»** деб номланган биринчи боби адабиётлар таҳлиliga бағишланган бўлиб, олти кичик бобдан иборат. Турли хил ташқи фиксатор курилмаларининг қиёсий хусусиятларини тавсифлайди, чанок ва сон суяклари шикастланганда даволашнинг асосий тушунчаларини тақдим этади, шунингдек, суякларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар ва адабиётлар натижаларини таҳлил қилади.

Диссертациянинг **«Чанок ва сон суягининг қўшма шикастланишларида жарроҳлик усулида даволаш бўйича клиник материаллар ва тадқиқот усуллари характеристикаси»** деб номланган иккинчи бобида текширилаётган беморларнинг умумий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, текширилган беморларнинг клиник, инструментал ва рентгенологик тадқиқотлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Тадқиқот чанок ва сон суяклари билан бирга келадиган қўшма жароҳатлари бўлган 130 нафар беморни даволаш натижаларини таққослашга асосланган. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг Самарқанд филиалида 2016 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда барча беморларга тиббий ёрдам кўрсатилди. Беморлар 2 гуруҳга бўлинган: асосий ва назорат гуруҳлари. Асосий гуруҳ 2018 йилдан 2021 йилгача биз ишлаб чиққан тактика ва усулларга мувофиқ даволанган 68 нафар бемордан иборат эди. Таққослаш гуруҳига 2016-2018 йилларда касалхонага ётқизилган 62 нафар жабрланувчилар кирган. Уларнинг клиник кўринишлари оғирлиги асосий гуруҳ беморларига ўхшаш бўлган. Жабрланганларнинг жинси бўйича тақсимланиши деярли тенг бўлиб чиқди, чунки 80 та ҳолатда эркаклар жароҳат олган. (61,5%) - 36 назорат гуруҳида ва 44 - асосий гуруҳда ва аёллар 50 ҳолатда (32,5%) - 27 назорат гуруҳида ва 23 - асосий гуруҳда. Характерли ҳодиса 60 ёшгача бўлган ёш беморлар тоифасида эркакларнинг устунлиги ва кекса ёшдаги беморларда қарама-қарши тендентсияда эди. Гендер тақсимоти бўйича таққослаш гуруҳлари сезиларли даражада фарқ қилмади ($\chi^2=0.998$, $p=0.32$). Ушбу турдаги жароҳатлар катта ёшдаги беморларнинг кўплиги

билан тавсифланади. Текширувдан ўтган беморларнинг ёши 18 ёшдан 68 ёшгача бўлган беморларнинг кўп қисмини меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ташкил этади - 111 киши (85,4%). Ўртача ёши $42,1 \pm 2,4$ йил (асосий гуруҳда - $41,8 \pm 3,2$ йил ва назорат гуруҳида $43,4 \pm 1,9$ йил). Ёшни таққослаш гуруҳлари вакиллик эди ($t=0.43$, $df=108$, $p=0.67$).

Бу беморларда чанок ва сон суяклари жароҳатларидан ташқари куйидаги жароҳатлар ҳам бўлган: оёқ-қўл жароҳатлари – 81 бемор (62,3%), орқа мия жароҳати билан 12 бемор (19,4%) назорат гуруҳида ва 14 бемор (20,6%) - асосий, травматик мия шикастланиши 54 беморда (41,5%) қайд этилган; кўкрак қафаси ва унинг органлари травмаси - 45 беморда (34,6%); қорин бўшлиғи, чанок аъзолари, ретроперитонеал бўшлиқнинг шикастланиши - 39 беморда (19,5%). Бахтсиз ҳодисадан кейин касалхонага ётқизилган жабрланганларнинг улуши назорат гуруҳидаги ҳолатларнинг 66,1%ини ($n=41$) ташкил этди, мос равишда 70,6% ($n=48$) - асосий гуруҳда катта баландликдан (3 метрдан юқори) йиқилиш натижасида, назорат гуруҳида 16 бемор (25,8%) ва асосий гуруҳда 17 бемор (25%) жароҳат олган. 2 бемор (3,2%) ва 2 бемор (2,9%) томонидан турли конструкцияларнинг қулаши қайд этилган. Жабрланганларнинг аксариятининг ($n=82$ - 63,1%) аҳволи оғир ва ўта оғир деб баҳоланди. Бу интенсив терапия бўлимида касалхонага ётқизиш учун кўрсатма эди. Асосий ва назорат гуруҳидаги жабрланган 130 нафар беморнинг 98 нафари бевосита воқеа жойидан ётқизилган (75,4%), қолган 32 нафар жароҳатланган беморлар (24,6%) эса бошқа шаҳар ва шифохоналардан тез ёрдам машинасида етказилган.

Жабрланувчиларнинг аҳволи нафақат жароҳатнинг оғирлиги, балки, биринчи навбатда, у билан боғлиқ бўлган қўшма жароҳатларнинг оғирлиги билан ҳам белгиланди. Жабрланганларнинг аҳволини оғирлигини объектив баҳолаш учун жароҳатларнинг (ISS) шкаласи ишлатилган. Ушбу шкала бўйича баллар сонига қараб, жабрланганлар аҳволнинг оғирлигини ошишига қараб уч гуруҳга бўлинган. 1-гуруҳга (25 баллгача) 51,5% ($n=35$) асосий ва 58,1% ($n=36$) жабрланганларни ташкил этди. Асосий гуруҳдаги 7 (10,3%) беморларда сон суяги бошчасининг марказий дислокацияси, 22 (32,4%) - соннинг юқори учлигидан синиш, 23 (33,8%) ўрта учлигидан синиши, 16 (23,5%) соннинг пастки учлигидан синиши. Назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар мос равишда: $n=6$ (9,7%), $n=19$ (30,6%), $n=21$ (33,9%) ва $n=16$ (25,8%) эди. Чанок суяги синиши ва сон суягининг шикастланишларида оғирлигини баҳолашда синишнинг табиатини (очиқ синишлар билан, юмшоқ тўқималарнинг шикастланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда) ва синиш турини (АО таснифига кўра) ҳисобга олинган. Тадқиқот ва назорат гуруҳларида очиқ ва ёпиқ синишларлар нисбати тахминан бир хил эди. Ҳаммаси бўлиб, асосий гуруҳда $n=47$ (69,1%) ва назорат гуруҳида $n=41$ (66,1%) ёпиқ синишлар мавжуд. Асосий гуруҳда $n=21$ (30,9%) очиқ синиш, назорат гуруҳида эса $n=21$ (33,9%) мавжуд эди. Чанок ҳалқаси шикастланган беморлар учта гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳда, А $n=9$ (13,2%), Б $n=45$ (66,2%), С $n=14$ (20,6%) ва назорат гуруҳи мос равишда $n=7$ (11,3%), $n=41$ (66,1%) ва $n=14$ (22,6%). Клиник ва анатомик вариантга кўра,

жабирланган беморларнинг асосий гуруҳи ва даволаш тактикаси, сон суягининг синиши ва чаноқ суяги шикастланиши ҳам учта кичик типга бўлинган.

1-гуруҳга чаноқ суягининг хамроҳ бўлган А типдаги шикастланиши билан 16 та бемор (минимал аралашган барқарор синишлар, 11 та, айланма беқарор - лекин вертикал барқарор жароҳатлар – 5 та сон суяклари синиши билан) А типдаги АО таснифига кўра.

2-гуруҳга АО таснифи бўйича чаноқ суяklarининг Б типдаги комбинатсияланган жароҳати билан 86 нафар жабрланувчи (айланма беқарор, лекин вертикал барқарор жароҳатлар – 55, чаноқ суягининг айланиш ва вертикал беқарорлиги – 31 та сон синиши билан) жабрланган.


3-гуруҳга чаноқ суягининг С типдаги шикастланиши (айланиш ва вертикал чаноқ аъзоларининг беқарорлиги билан боғлиқ жароҳатлар) ва АО таснифига кўра сон суяги синиши билан 28 нафар бемор киритилган.

Диссертациянинг «**Чаноқ ва сон суяklarининг қўшма шикастланишларида беморларда умумий аҳволининг клиник ва функционал натижаларини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида беморларнинг барча травматик шикастланишларнинг оғирлик даражаси, бемолар ёшини ва патологияларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташхис қўйилиши ўрганилган. Шунингдек, беморларнинг аҳволи, травматик касалликнинг турли босқичларида тез тиббий ёрдам курсатилиши тақдим этилган. Тадқиқот натижаларига кўра, чаноқ ва сон суяklarининг синиши аёлларга қараганда эркакларда (61,5%) кўпроқ бўлган. (38,5%). Шундан n=32 (24,6%) беморда поликлиникага мурожаат қилганда 1-даражали травматик шок, n=46 (35,4%) – 2чи, n=40 (30,8%) – 3чи, n=11 (8,5%) – 4чи ва n=1 (0,8%) беморда кузатилган, агонал ҳолатга эга бўлган.

Шу билан бирга, кузатув гуруҳлари ўртасида шокнинг оғирлиги бўйича сезиларли фарқ йўқ ($p > 0,05$). Бир (0,8%) бемор клиникага терминал ҳолатда ва биринчи ярим соат ичида ҳалокатли оқибат юзага билан келтирилди. Учинчи даражали шок ҳолатида ётқизилган 40 нафар бемордан 5 нафарининг (3,8 %) кузатилди, Тўртинчи даражали шок ҳолатида ётқизилган 11 нафар беморнинг 7 нафари (5,4 %) ўлим билан яқунланган. Тўртинчи даражали шок ҳолатида ётқизилган 7 нафар бемордан 5 нафарининг (3,8 %) ўлимига оғир бош жароҳати, 3 нафарида (2,3 %) кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи, кичик тос аъзоларининг шикастланиши сабаб бўлган. Ҳаммаси бўлиб, ўлимга олиб келадиган натижа 13 ҳолатда (10%) кузатилди: асосий гуруҳда - n=4 (5,9%), назорат гуруҳида - n=9 (14,5%) ($\chi = 2.69$, $p = 0.101$). Клиникага 1 ва 2-даражали шок билан ётқизилган беморлар даволангандан сўнг уйга жўнатилган. 3-даражали шок ҳолатида мурожаат қилган 40 нафар бемордан 35 нафари даволанишдан сўнг жавоб берилди, 4-даражали шок билан касалланган 11 нафар бемордан тўрт нафари даволанди.

Шикастланишдан кейин чаноқ суяги шикастланган жабрланувчилар оғир касаллар деб таснифланиши керак. чаноқ аъзоларининг шикастланиши билан деярли барча ҳолатларда беморларда турли даражадаги травматик шок мавжуд. Биргаликда чаноқ аъзоларининг шикастланиши билан кўпчилик

беморлар 2 ва 3-даражали шок ҳолатида клиникага ётқизилган. Чанок суяги ва сон суяги синиши билан даволанган 130 нафар беморнинг 54 нафарида (41,5 %) бош мия жароҳати, 45 нафарида (34,6 %) кўкрак қафаси, 39 нафарида (30 %) қорин бўшлиғи ва қорин парда бўшлиғи шикастланиши қайд этилган, n=26 (20%) да - умуртқалар, n=81 (62,3%) - узун суякларнинг синиши. Тос суяклари шикастланиши орасида пубик ёриқлар кўпроқ учрайди - 72 (55,4%) беморларда, улардан ўтиргич суякларнинг синиши n=69 (53,1%) беморда қайд этилган, уларнинг n=31 тасида (23,8%) синиш икки томонлама бўлган. n=45 (34,6%) беморда асетабуляр ёпиқ синиш ташхиси қўйилган. Бир беморда иккала атсетабуляр бўшлиқнинг синиши, n=8 (6,2%) - фемурнинг шикастланиши билан бирлаштирилган атсетабуляр синиши бор эди.




1-расм. Анатомик соҳаларнинг травматик жароҳатлари қиёсий таснифлари


1-расмдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳда 2 та анатомик ареоланинг шикастланиши бўлган беморлар сони 33,8% (n = 23), назорат гуруҳида эса 33,9% (n = 21). Асосий гуруҳда 3 та анатомик соҳада шикаст олган беморлар сони 35,3% (n = 24), қиёсий гуруҳда эса 35,5% (n = 22), 4 та анатомик соҳада шикаст олган беморлар сони 19,1% (n = 13) асосий гуруҳдаги беморлар ва таққослаш гуруҳида - 19,4% (n = 12). 5 та анатомик соҳага зарар этказилган назорат гуруҳида беморларнинг 11,3% (n = 7) ва асосий гуруҳда бундай жароҳатлар 11,8% (n = 8) ни ташкил этди. 43 нафар беморда (33,1%) 2 та анатомик соҳага шикаст етказилган 44 беморнинг уйига боришига рухсат берилди ва 1 нафари (0,8%) ўлим билан яқунланди. 3 та анатомик соҳада шикастланган 46 нафар бемордан 43 нафари (33,1%), 4 та соҳада жароҳати аниқланган 25 нафар бемордан 20 нафари (15,4 %) барқарор аҳволда шифохонадан чиқарилди. 5 та анатомик ҳудудга шикаст етказилган 15 бемордан 4 таси (3,1%) ўлимга олиб келди. AIS ва ISS шкаласи беморларнинг оғирлик даражасини аниқлашда бизга асосий гуруҳдаги беморларда ўлимни 5,9% гача камайтириш имконини берди ва назорат гуруҳидаги беморларда бу кўрсаткич 14,5% ни ташкил этди.

Диссертациянинг «**Чанок ва сон суякларининг қўшма шикастланишларини даволаш учун қурилмани техник тавсифи ва қўллаш усули**» деб номланган тўртинчи бобида чанок суяги ва сон суяги шикастланишларида жарроҳлик усули билан, ташқи фиксация қурилмасини


қўллаш усули батафсил тавсифланган. Шунингдек, яқин ва узоқ муддатда беморларнинг аҳволини баҳолаш усуллари, ҳамда яхши натижалар деб - остеосинтез усулида сезиларли даражада беморларнинг умумий аҳволи яхшиланиши ва операциядан кейинги даври силлиқ ўтишига асосланган. Қоникарсиз деб - беморларнинг умумий аҳволини сезиларли даражада ташриҳ пайтида ёки ундан кейин оғирлашиши, қўшимча ташқи иммобилизация ёки қайта ташриҳни талаб қиладиган синининг ностабил фиксацияси ва жарроҳлик яранинг асоратлари йиринглаш, остеомиелит, чаноқ суяги ва сон суягининг қўшма шикастланишлари учун яратилгани билан асосланган. Чаноқ ва сон суякларининг қўшма шикастланишларида даволаш учун қўлланиладиган аппарат суякларнинг анатомик жихатдан тўғри ҳолатда стабиллаштириш, суяклар ва суяк парчаларини операциядан кейинги репозиция усуллари амалга ошириш имкониятини таъминлашдан иборат.



2-расм. Чап сон суяги модули ва қурилманинг умумий кўриниши, суякка ўрнатилгандаги кўриниши



3-расм. Махкамловчи найнинг умумий кўриниши ва тишли фиксатор билан бир ўқли шарнирнинг кўриниши



4-расм. Қурилманинг ўнг сон суягида туриши ва тензометрик датчикнинг рамада умумий кўриниши

Диссертациянинг «Чанок суяги ва сон суягининг кўшма шикастланиши бўлган беморларни даволаш натижалари» деб номланган бешинчи бобида операциядан кейинги даврда даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили ёритилган. Керакли ва эрта қўлланиладиган суяк фиксаторларини танлаш операциядан кейинги асоратлар сонини сезиларли даражада камайтиришга имкон берди. Амалга оширилган барча ташрихлар бўйича умумий асоратлар 33,1% ҳолларда (жами 130 та операция билан 43 та ҳолатда), беморларнинг асосий гуруҳида эса 25% (n=17); назорат - 41,9% (n=26). Асосий гуруҳ жабрланганлардан фақат 3 нафар беморда (4,4%) қувватловчи кондил пластинкаси билан иммерсион остеосинтездан сўнг ярада инфекция кузатилган, назорат гуруҳида - йилда 5 бемор (8,1%) - сон остеомиелити кузатилган иммерсион остеосинтездан кейин. Флеботромбоз ривожланиши асосий гуруҳнинг 6 нафар беморида (8,8%), назорат гуруҳидаги 9 беморда (14,3%) кузатилди. Улардан ўпка артерияси кичик шохларнинг тромбоэмболияси асосий гуруҳда 1 нафар (1,5%) ва назорат гуруҳидаги 2 та беморда (3,2%) ривожланган. Барча ҳолларда сегментар ўпка артерияси кичик шохларнинг тромбоэмболияси постинфаркт пневмония шаклида ўзини намоён қилди. Яллиғланишга қарши бўлмаган табиатнинг асоратлари - синининг кечбитиши ва битмаслиги тадқиқот гуруҳининг 2,9% (n=2) ҳолатида ва назорат гуруҳининг 9,7% (6) ҳолатида қайд этилган. Фемурнинг нотўғри битиши ва деформатсияси асосий гуруҳдаги 1,5% (n=1) беморларда, назорат гуруҳидаги 8,1% (n=5) ҳолларда кузатилган. Асосий гуруҳдаги беморларнинг 10,3 %ида (n=7) ва назорат гуруҳидаги беморларнинг 25,8 %ида (n=16) тизза бўғими контрактурасининг шаклланиши кузатилди. Асосий гуруҳнинг 2та беморида (2,9%) рефракциялар қайд этилган ва назорат гуруҳида эса йўқ. Жабрланганларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг дарҳол яхши натижалари турли усуллар билан ўтказилган операцияларнинг 88,3% да, асосий гуруҳда эса 92,6 % (n=63) ҳолатда яхши натижаларга эришилди; назорат гуруҳида бу кўрсаткич яқин даврда текширилган беморларнинг умумий сонининг 66,1% (n=41) ни ташкил этди ($\chi^2 = 14.25, p=0.0002$). Шу билан бирга,

асосий гуруҳда қониқарсиз яқин кутилаётган натижалар гуруҳи 7,4% (n=5) кузатувда қайд этилган, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 33,9% (n=21).

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили таққослаш гуруҳларида даволаш натижалари ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқ борлигини кўрсатади ($p < 0,05$, Персон бўйича χ^2 ишлатилган). Қарама -қаршилик нисбати қиймати ($n=41/21$)/($n=63/5$) $\approx 0,15$, ни ташкил қилади, бу назорат билан солиштирганда бизнинг ишимизда энг яқин натижаларнинг сезиларли даражада тарқалишини тасдиқлайди (аниқ F тести муҳим аҳамият даражасини беради $p = 0,03$). Шунингдек, кичик бўлимда беморлар учун 95% си кўрсатилган. Чунки солиштирилган натижалар ўртасида сезиларли фарқлар аниқланди ($p < 0,05$).


